

# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 25 декабрь, № 248 (6431) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЗАМОНАВИЙ ЛОКОМОТИВЛАР

## темир йўл тизимида юк ташиш ҳажмини ошириш имконини бермоқда

*Темир йўллар бежиз иқтисодиётнинг қон томирига қиёсланмайди. Чунки соҳада амалга ошириладиган ҳар бир лойиҳа аҳоли турмуш фаровонлиги ва мамлакат тараққиёти барқарорлигини таъминлашга, унинг дунё миқёсидаги нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти жамоаси нафақат транспорт хизмати кўрсатиш тизимини, балки ишлаб чиқариш тармоқларини ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Натижада кейинги йилларда бир қатор йирик лойиҳалар рўёбга чиқарилган бўлса, айни пайтда умумий узунлиги 123,1 километрни, шундан 19,1 километри туннелни ташкил этувчи "Ангрен — Поп" электрлаштирилган темир йўл линиясида бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилаяпти.*





Хосон ПАЙДОЕВ олган суратлар.

### МОДЕРНИЗАЦИЯ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллик байрами арафасида эса "Мароқанд — Қарши" участкасида электрлаштириш ишлари якунланиб, "Тошкент — Қарши — Тошкент" йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электропоезди қатнови йўлга қўйилди. Бундан ташқари, "Самарқанд — Бухоро" йўналишида электрлаштириш жараёни қизғин давом этаётгани, "Навоий — Конимех — Мискин" йўналишида янги темир йўл қурилишига киришилгани, мазкур лойиҳалар тўлиқ рўёбга чиқарилгач, бу йўлларда ҳам замонавий электропоездлар ҳаракати бошланиши эътиборга лойиқ.

(Давоми 2-бетда).

### Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади



# Ёшлар бандлигини таъминлаш — пировард мақсад

*Мамлакатимизда таълим тизимини сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларга назарий билим бериш баробарида, корхона ҳамда ташкилотларда амалий кўникмаларини оширишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш доимий эътибордаги масалалардан бири ҳисобланади. Тизимнинг қонунчилик базаси мустаҳкамлангани бу борада олиб борилаётган ишлар кўламини кенгайтиришда, реал иқтисодиётнинг турли жабҳалари учун зарур мутахассислар тайёрлашда муҳим омил бўлаяпти.*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилиб, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашнинг долзарб масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбирда парламент қуйи палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар, банк-молия тузилмалари мутасаддилари, касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу бўйича аниқ чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш айни зарурат эканлиги таъкидланган эди.

Шу нуқтаи назардан, тадбирда ёшларнинг икки ҳамда ундан ортиқ мутахассислик бўйича касб-ҳунар ўрганишида муҳим ўрин тутаётган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг афзалликлари ҳақида сўз борди. Эътироф этилганидек, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу соҳада самарадорликка эришишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### КОНФЕРЕНЦИЯ

*Пойтахтимизда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Давлат бошқаруви академияси ва бошқа қатор давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида "Жамоатчилик назоратини таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти" мавзуида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.*

# Маҳалла ва жамоатчилик назорати

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва қўмиталар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Маънавият-тарғибот маркази, Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, фуқаролар йиғинлари фаоллари, маҳаллалардаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар раислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Бугун ижтимоий бошқарув идораси ҳисобланган маҳалланинг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли тобора ортиб бораётгани анжуманда алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, маҳалла тарихига назар солсак, бу борадаги энг таъсирчан маскан экани кўзга яққол ташланади. Айниқса, асрлар давомида унинг кишиларни эзгуликка бошлаш, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни кўпчилик ёрдамида ҳал этишдаги ўрни муҳим бўлиб келган. Истиқлол йилларида маҳалланинг нуфузи янада ошди. Фуқаролар йиғинларининг жамоатчилик назорати билан боғлиқ фаолияти кўлами ҳам кенгайиб бораётгани эътиборга молик.

Жамоатчилик назорати жамият ҳаётида ижтимоий адолат барқарорлиги учун шахс, жамият ва давлат муносабатларида тенглик, масъулият ва жавобгарлик бўлишини таъминлашда катта роль ўйнайди. Ўз навбатида, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳоли, хусусан, ёшлар ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, бунинг учун соғлом рақобат муҳитини яратиш, муҳими, фуқароларнинг фаровон турмуш тарзини кучайтириш тизимини такомиллаштиришда алоҳида ўрин тутади. Унинг йиғин ҳудудида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф қилишдаги аҳамияти ҳам бекиёсдир.

(Давоми 2-бетда).

# «Ўзбекистон капитал қўйилмалар учун дунёнинг энг яхши мамлакатларидан биридир»

Ўзбекистоннинг Куала-Лумпурдаги элчихонасида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда Малайзиянинг ижтимоий-сиёсий ва ишбилармон доиралари, "Lincoln University College", "Binary University of Management & Entrepreneurship", "UCSI University" сингари таълим муассасалари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбир якуни бўйича унинг айрим қатнашчилари "Жаҳон" ахборот агентлигига интервью берди.

### БИЗ ВА ЖАҲОН

**Кохилан ПИЛАЙ, Малайзия Бош вазирининг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича маслаҳатчиси:**

— Мустаҳкам ва вақт синовидан ўтган Ўзбекистон — Малайзия муносабатлари бугунги кунда шитоб билан ривожланишда давом этмоқда. Ўзаро ҳамкорлигимиз доирасида шу йил ноябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро инвестиция форумида мамлакатимиз делегацияси ҳам қатнашди. Биз Ўзбекистонда қулай ишбилармонлик муҳити яратилганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Сафар чоғида пойтахтингиздаги корхоналардан бирида мойлаш материаллари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхонани йўлга қўйиш юзасидан қарор қабул қилинди. Унда тайёрланадиган маҳсулотлар қўшни давлатларга экспортга чиқарилади.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзаро ҳамкорликни, савдо-сотиқ ва ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш имконини берадиган шароитлар яратилгани, шунингдек, хорижий сармоядорлар қўллаб-қувватланаётгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдиришни истар эдим.

**Макс СЭЙ, Осиё Стратегия ва етакчилик институти вице-президенти:**

— Ўзбекистон Конституцияси мустақил мамлакат қурилишининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси ҳисобланади. У кўп асрлик ўзбек давлатчилигининг замонавий дунёдаги ифодаси бўлиб қолди.

Мен юртингизга бир неча маротаба борганман. Ҳар сафар Ўзбекистоннинг тез суръатларда ривожланиб бораётганига, қишлоқ ва шаҳарларда қурилиш ишлари кўлами нақадар кенг эканлигига гувоҳ бўламан. Буларнинг барчаси ўзбек халқининг яратувчанлик шижоати ҳамда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида буюк тарихни асраш, аҳоли фаровонлигини оширишга йўналтирилган пухта ва узоқни кўзланган сиёсат самарасидир.

**Прамеш ТУРАИСИНГАМ, "Xing Group Berhad" компанияси ижрочи директори:**

— Ўзбекистон капитал қўйилмалар учун дунёнинг энг яхши мамлакатларидан биридир.

Биз 20 МВт қувватга эга қуёш электр станциясини қуриш бўйича лойиҳани, шунингдек, қўшимча равишда яна бошқа истиқболли йўналишларни молиялаштиришни режалаштирмоқдамиз.

Республикангиз қулай жуғрофий жойлашувга эга. Бу минтақанинг барча давлатидаги бозорларга чиқиш имконини бериши баробарида, бундан кейинги иқтисодий тараққиётни ҳам таъминлайдиган муҳим омиллар сирасига киради.

**«Жаҳон» АА.**
Куала-Лумпур

### ЯРМАРКА

*Янги йил байрами арафасида Хоразм вилоятининг барча шаҳар ва тумани марказларида анъанавий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этилди.*

# Сархил ноз-неъматлар

Унда воҳадаги фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган 6 минг тоннадан зиёд сархил мева-сабзавот ва полиз неъматлари аҳолига нисбатан арзон нархларда етказиб берилаяпти. Шунингдек, 280 тонна гўшт ва 280 тонна балиқ, 4 миллион донадан ортиқ тухум, 2 минг тоннадан зиёд гуруч савдо пештахталарига чиқарилган.

Харидорлар эътирофига кўра, таклиф этилаётган маҳсулотлар сифати истеъмолчилар талабига тўлиқ жавоб беради. Яна бир қулайлиги шундаки, уларни банк пластик карточкалари орқали харид қилиш имконияти ҳам яратилган.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# КИМЁ САНОАТИНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

*Бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти ривожини кимё саноатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сабаби, кейинги йилларда у жадал суръатларда тараққий этиб, саноат тармоқларига хом ашё, турли материаллар ва буюмлар етказиб берувчи муҳим тизимга айланди. Кимё ва пластмасса саноатларида табиий ресурсларни тежаш, улардан самарали фойдаланиш имкониятлари кенгаяётгани бунинг тасдиғидир.*

### МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

Мамлакатимизда кимё саноати истиқболига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли мазкур соҳа йилдан-йилга равнақ топиб, жаҳон кимё бозоридаги мавқеини тобора мустаҳкамлаяпти. 2015 йилнинг январь — октябрь ойларида "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти тизимида 1 триллион 797,4 миллиард сўмлик маҳсулотлар ҳамда 161,4 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилгани бунга мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, ушбу жамият таркибидаги 13 та саноат корхонаси томонидан тайёрланаётган кимёвий ўғитлар ва халқ истеъмоли молларига ички ҳамда ташқи бозорда талаб ниҳоятда юқори. Мустақиллик йилларида ишлаб чиқариш диверсификация қилиниб, замонавий қувватлар фойдаланишга топширилаётгани ютуқларнинг бош омили бўлмоқда. Жумладан, Қўнғирот сода заводи ва Деҳқонобод калий ўғитлари заводининг фойдаланишга топширилиши саноатимиз тарихида бутунлай янги даврни бошлаб берди, десак, муболаға бўлмайди.

Гап шундаки, мазкур икки йирик корхона Ўзбекистон иқтисодиётининг юксак қудрати, бунёдкор халқимиз юқори салоҳиятининг амалдаги инъикоси сифатида нафақат кимё саноати, балки ҳудудлар ижтимоий, социал-иқтисодий ҳаётида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, Қўнғирот сода заводининг ишга туширилиши туфайли Оролбўйи минтақасидаги бой табиий захираларни ўзлаштириш, ош тузи ва оҳактош конларида саноат усулида маҳсулот тайёрлашга киришилди. Энг асосийси, заводда йилига 100 минг тоннага яқин калцийланган сода ишлаб чиқарилиши натижасида унинг импорти тўхтатилди. Аксинча, ёғмой саноати, ойна ҳамда ювиш воситаларини ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган бу муҳим хом ашё экспорт қилина бошланди. Худди шунингдек, Деҳқонобод калий ўғитлари заводи жамоасининг фидокорона меҳнати билан республикамиз деҳқон ва фермерларининг калийли ўғитларга бўлган эҳтиёжи ўзимизнинг маҳсулот эвазига тўлиқ таъминланаётир. Бу мамлакатимиз барча турдаги, яъни азотли, фосфорли ҳамда калийли минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторидан мустаҳкам жой эгаллаганининг ёрқин далилидир.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, дунё бўйича табиий калий захиралари чекланган бўлиб, озиқ-овқат хавфсизлиги долзарб масалага айланаётган ҳозирги пайтда ушбу ноёб минерал ўғитга бўлган талаб ҳар доимгидан-да ошмоқда. Шу боис кўплаб давлатларда калийли туз конларини ўзлаштириш ва қайта ишлаш бўйича йирик лойиҳалар ижросига алоҳида аҳамият берилаяпти. Хусусан, юртимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тепақўтон тоғи ҳудудида жойлашган катта миқдордаги калий захирасини ўзлаштиришга бундан ўн йиллар олдин киришилгани эътиборга молик.

(Давоми 3-бетда).

# Маҳалла ва жамоатчилик назорати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қайд этилганидек, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорликни кучайтиришда янги босқични бошлаб берди. Хусусан, Концепцияда аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни амалга оширишда фуқаролар йиғинларининг ролини кучайтириш, жамоатчилик назорати борасидаги ваколатини янада кенгайтириш ҳамда уларни оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантириш юзасидан долзарб вазифалар белгиланган бўлиб, ўтган даврда ушбу йўналишда муайян ишлар рўёбга чиқарилди. Жумладан, 2013 йил 22 апрелда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Унда фуқаролар йиғинларининг жамоатчилик назоратини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари ва амалга ошириш шакллари белгиланди.

Қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан, фуқаролар йиғинларига тегишли ҳудуддаги тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизматлар кўрсатиш корхоналари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича қўшимча ваколатлар берилди. Қолаверса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар фаолияти йўлга қўйилди. Айни пайтда оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маҳаллаларда ташкил этилган маслаҳат марказларида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган фуқаролар учун қисқа муддатли курслар очилди. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига қонунларда белгиланган имтиёзлар ҳамда преференциялар ҳақида маълумотлар ҳам берилмоқда. Шу билан бирга, ёшларнинг тегишли ҳудудда жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларга ишга жойлашишига ёрдам кўрсатилаётир.

Тадбирда фуқаролар йиғинларида амалга оширилаётган жамоатчилик назорати хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди. Хусусан, шу йилнинг 9 ойи мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари раҳбарларининг маҳаллалар фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича фуқаролар йиғинларида 7652 марта ҳисоботи эшитилиб, ҳудудлар билан боғлиқ қатор масалалар ижобий ҳал этилди. Ободонлаштириш масалалари юзасидан эса ҳудудлардаги корхона, муассаса ҳамда ташкилотлар раҳбарларининг 6380 та ҳисоботи тингланди. Айни чоғда халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари сессияларида 182 марта фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини оширишга доир масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жамоатчилик назоратининг муҳим йўналишларидан бири — маҳаллаларда қишлоқ врачлик пунктлари, тиббиёт муассасалари ҳамда оилавий поликлиникалар раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш ҳисобланади. Шу йилнинг ўтган даврида фуқаролар йиғинлари томонидан тиббиёт бирлашмалари раҳбарларининг 4386 та ҳисоботи тингланди. Пировардида бу жойларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланишида муҳим омил бўлмоқда.

— Ҳозирги пайтда барча фуқаролар йиғинида Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар тузилиб, улар томонидан турли йўналишда жамоатчилик назорати самарали олиб борилаяпти, — деди пойтахтимиздаги "Оқибат" маҳалла фуқаролар йиғини раиси М. Йўлдошева. — Ҳудудимизни комплекс ривожлантириш, қонун ҳужжатлари, фуқаролар йиғинларининг қарорлари ижросини назорат қилиш, корхона ҳамда ташкилотлар раҳбарлари ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиш, тўй-ҳашам ва бошқа маросимларни ихчам ўтказиш бўйича йўлга қўйилган жамоатчилик назорати шулар жумласидандир.

Бугунги тадбирда фуқаролар йиғинларининг жамоатчилик назорати билан боғлиқ билимларимизни бойитдик. Бу, албатта, келгуси фаолиятимизда қўл келади.

Конференцияда фуқаролар йиғинларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича фаолияти таҳлил қилиниши баробарида, соҳадаги муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан экспертларнинг маърузалари тингланди. Муҳими, маҳаллалар вакилларига улар ваколатига кирувчи вазифалар — ўз ҳудудларида қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари ижроси, жумладан, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши, коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш, ободонлаштириш қоидаларига амал қилиш, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиб-тамойиллари юзасидан тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, иштирокчиларга жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари, фуқаролар йиғинларида ўтказиладиган ҳисобот йиғилишларини расмийлаштириш тартиб-таомиллари, уларни тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юбориш ва натижаларини ўрганиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қизғин баҳсларга бой тарзда ўтган конференцияда назариётчи олимлар ва амалиётчи мутахассислар фикр-мулоҳазалари ҳамда тажрибали маҳалла фаолларининг амалий таклифлари асосида, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда эришилган ютуқ ва камчиликлар муҳокама этилиб, бу борадаги муҳим вазифалар ҳамда илғор иш тажрибаларини оммалаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ёшлар бандлигини таъминлаш — пировард мақсад

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, мамлакатимизда барпо этилган кўркам касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейлар замонавий ўқув-лаборатория, компьютер ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари билан изчил таъминланаётгани, бу эса ўқувчилар учун умумий фанлар бўйича тўлиқ билимларни эгаллаш билан бирга, ушбу ўқув юртларидаги замонавий техника ҳамда технологияларни ўзлаштириш имконини бераётгани қайд этилди.

Давра суҳбатида амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалиёт ишларини ташкил қилиш тартиблари белгиланганни ва ҳар йили 200 мингдан ортиқ корхона ҳамда ташкилотлар билан уч томонлама шартномалар тузилаётганлигининг аҳамиятли жиҳатларига тўхталиб ўтилди. Таъкидланганидек, бу юртимиздаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълим масканларида таҳсил олаётган йигит-қизларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларида, илғор ташаббусларини қўллаб-қувватлашда, айниқса, тадбиркорлик фаолиятини самарали йўлга қўйишларида катта роль ўйнайди.

Ўз навбатида, Олий Мажлис томонидан тасдиқланган 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ, корхоналар (иш берувчилар), коллежлар, битирувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари ўртасида тузиладиган уч томонлама шартномаларнинг самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланганлиги ўз самарасини бериши айтиб ўтилди. Бинобарин, ҳар йили умумтаълим мактаблари 9-синф ўқувчиларининг қизиқиш ва интилишлари ҳамда меҳнат бозоридаги эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, коллежлардаги мавжуд йўналиш ва ихтисосликларга ўзгартишлар киритилаётгани корхоналарни зарур мутахассислар билан таъминлашга шароит туғдирмоқда.

Муҳокама жараёнида депутатлар битирувчилар бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, бу борада йўл қўйилаётган айрим камчиликларга ҳам тўхталиб ўтишди. Уларнинг фикрича, коллежларда ўрта мутахассислар тайёрлашни янада такомиллаштириш, иш билан таъминлашда ёш мутахассисларнинг меҳнат хавфсизлиги ҳамда ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, ўқув-лаборатория ускуналари, техник жиҳозлардан фойдаланиш самарадорлигини юксалтириш, ёшларни ишга жойлаштиришда маҳаллий ҳокимликлар, солиқ, банк-молия тузилмаларининг масъулиятини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Якунда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# ЗАМОНАВИЙ ЛОКОМОТИВЛАР

## темир йўл тизимида юк ташиш ҳажмини ошириш имконини бермоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, тизимда локомотивлар паркини модернизациялаш, поездлар ҳаракати хавфсизлигини ошириш масаласи ҳам диққат-эътиборда. Сабаби "пўлат из"ларнинг изчил электрлаштирилиши замонавий поезд ва юқори қувватли электровозларга бўлган талабнинг ортишига олиб келмоқда. Шунинг учун 2003 йилда жамият мутасаддилари хориждан юк ташишга мўлжалланган "O'zbekiston" русумли дастлабки электровозларни келтирган эди. Ўша йилнинг охирида уларнинг сони 12 тага етказилиши баробарида, 2010 — 2011 йиллар мобайнида йўловчи поездларга хизмат кўрсатувчи яна 15 та тезюрар электровоз сотиб олинди.

Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2015 йил 4 мартдаги "Хитой Халқ Республикаси "Эксимбанк"и иштирокида "Локомотивлар паркини янгилаш. 11 юк электровозини харид қилиш. 2-босқич" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Нега деганда, ушбу ҳужжатга мувофиқ, жорий йилда Хитойдан яна ўн бир дона "O'z-ELR" электровози харид қилинди.

Битта кузов ва 2 кабинадан иборат ушбу техникалар тоғ шароитида ҳам оғир юкларни ташиш қувватига эгалиги билан бирга, турдошларига нисбатан электр энергиясини 5-8 фоизгача тежайди. Тезлиги эса соатига 120 километрни ташкил этади.

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖга қарашли "Ўзбекистон" локомотив депоси бошлиғи Фаррух Ҳамзаевнинг қайд этишича, дастлаб янги электровозларни бошқариш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш хитойлик мутахассислар томонидан бажарилган бўлса, эндиликда бу юмушларни ўзимизнинг ёш кадрларимиз амалга оширмоқда.

Мухтасар айтганда, ҳозирги кунгача, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятидаги локомотивларнинг эллик фоиздан ортиғи тўлиқ янгиланган ҳолда, мазкур жараён босқичма-босқич давом эттирилаяпти. Бу эса пировардида юк ташиш ҳажмини ошириш қаторида, харажатларни камайтиришда ҳам қўл келаяпти.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қисқа сатрларда

● Самарқанд вилояти адлия бошқармасида "Бир дарча" марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатиш тартиб-таомиллари тарғиботига бағишланган ўқув-семинари ўтказилди.

**● Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида "Миллий армиямиз — ғуруримиз, ифтихоримиз" мавзуида тадбир ташкил этилди.**

● Андижонда иқтисодиёт соҳаларида мамлакатимизда яратилган энергия ва ресурс тежайдиган инновацион технологияларни жорий этиш истиқболлари ҳамда механизмларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

**● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

● Нукусда 2-Қорақалпоғистон Республикаси сил касаллигига қарши курашиш диспансерининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

**● Тошкент архитектура ва қурилиш касб-ҳунар коллежида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод тумани кенгаши томонидан коллеж битирувчилари ўртасида тадбиркорликка оид билим ҳамда кўникмаларни шакллантиришга бағишланган семинар ташкил этилди.**

● Бухоро вилояти Жондор тумани тиббиёт бирлашмаси болалар бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Бу ерда 800 миллион сўмликдан ортиқ реконструкция ишлари амалга оширилди. 50 ўринли бўлимда интенсив даволаш, она ва бола ҳамда бошқа муолажа хоналари "Саломатлик-3" лойиҳаси асосида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

БУНЁДКОРЛИК




*Андижон вилояти марказида янги автошоҳбекат қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳалқа йўл бўйида бунёд этилган иншоот Марҳамат, Асака, Бўз, Шаҳрихон ҳамда Балиқчи туманларидан Андижон шаҳрига келиб-кетувчи йўловчилар учун қўшимча қулайлик яратди.*




# Йўловчилар учун қулайлик



Ҳозир шоҳбекатдан 15 та йўналиш бўйлаб 367 та турли русумдаги жамоат транспортлари қатнови йўлга қўйилган. Улар хизматидан кунига қарийб 10 минг нафар йўловчи баҳраманд бўлаяпти.

Яна бир эътиборли жиҳати, янги иншоотда автоуловларни техник текширувдан ўтказиш устахоналари, ҳайдовчилар учун тиббий кўрик масканлари, кутиш хоналари ташкил этилиши ҳисобига 50 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ.**

Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

ҒАМХЎРЛИК

# Болажонларга туҳфа

*Самарқанд вилояти марказидаги Кимёгарлар шаҳарчасида 81-мактабгача таълим муассасаси биноси капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.*

Бунёдкорлик ишларига 632 миллион сўм, замонавий жиҳозлар харидига эса 121 миллион сўм сарфланиб, мусиқа зали, машғулот ўтказиш хонаси ва ётоқхоналарда барча қулайлик яратилди.

Яна бир эътиборга молик жиҳати, 160 нафар болажон тарбияланадиган ушбу даргоҳда учта алоҳида қозонхона қурилди. Натижада бинода иссиқлик таъминоти яхшиланди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Турмуш фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омили

*Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси натижасида жойларда депутатлар корпусининг фаоллиги ҳамда ролини оширишда ижобий натижаларга эришилмоқда. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳамда уларнинг доимий комиссиялари томонидан "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг регламентларига, доимий комиссиялар тўғрисидаги низомларга, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, иш ўринлари ташкил этиш, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар таълим-тарбияси, халқ фаровонлигини ошириш ва бошқа масалаларда салмоқли ишлар қилинаяпти.*

## МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳам қонунлар ижросини таъминлаш, маҳаллий бюджетнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш баробарида, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижро этувчи органларнинг ислоҳотлар жараёнидаги масъулиятини кучайтириш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хусусан, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим ўрин тутаётган хусусий сектор ривожини кафолатлаш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш, эркин ва самарали бизнес юритиши учун ҳар томонлама қулайлик яратиш устувор аҳамият касб этаётир. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва ушбу ҳужжат ижроси доирасида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада оширишга замин яратмоқда.

Таъкидлаш жоизки, доимий комиссия йиғилишларида айни йўналишдаги ишлар муттасил таҳлил қилиниб, иқтисодиётнинг хусусий секторида аҳоли бандлигини ошириш, тадбиркорларга ҳар томонлама кўмаклашиш, бу борада тижорат банклари олдида турган вазифалар юзасидан таклиф ва тавсиялар берилаяпти. Бундай саъй-ҳаракатлар самарасида вилоятда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, моддий-техника ресурслари билан таъминлаш бўйича ижобий натижаларга эришилмоқда.

Вилоятни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳудудий дастурларга киритилган лойиҳаларни банк кредитлари ҳисобига молиялаштириш ишлари ҳам комиссиямиз томонидан назоратга олиниб, мунтазам сарҳисоб қилиб борилаётир. Айтиш ўринлики, вилоятнинг саноат салоҳиятини равнақ топтириш мақсадида истиқболли лойиҳаларга банклар томонидан кредит маблағлари йўналтирилаяпти. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш, сервис соҳасини янада ривожлантириш учун ажратилаётган кредит маблағлари ҳажми ортиб бораётгани аҳоли бандлиги ва табиийки, турмуш фаровонлиги кўрсаткичларини яхшилаш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг изчиллигидан далолат беради.

Жумладан, вилоятда шу йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 47 минг 200 дан зиёд иш ўринлари ташкил этилди. Барқарор даромад манбаига эга бўлган фуқароларнинг салмоқли қисми хотин-қизлардан иборат экани, уй бекаларига касаначилик асосида ишлаши учун барча шароит яратиб берилаётгани яна бир аҳамиятли жиҳатдир. Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, бизнес ғояларини рағбатлантириш масалалари ҳам диққат-эътиборда.

Ўз навбатида, Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, доимий комиссия йиғилишларида саноат корхоналари фаолиятини такомиллаштириш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар рақобатдошлигини, экспортбоплигини ошириш юзасидан тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитиб борилмоқда. Доимий комиссия аъзолари депутатлик сўровларини ўтказиш баробарида, фуқароларнинг мурожаатлари қонуний ҳал этилишини таъминлаяпти.

Мухтасар айтганда, вилоятда иқтисодий ислоҳотлар изчил, самарали олиб борилиши, соҳа таянчига айланган хусусий сектор тобора тараққий этиши учун кўмаклашиш, бу борадаги қонунларнинг, давлат дастурлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг фақат қоғозда қолиб кетмай, амалда ўз ҳаётий тасдиғини топиши, пировардида фуқароларимизнинг бандлиги ва турмуш сифатини юксалтиришга қаратилган фаолиятимизни бугунги кун талабларига мувофиқ такомиллаштиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Билдирилган ишончга муносиб бўлиш ҳисси депутатларимизни янада фаолликка, ташаббускорликка ундамоқда. Зеро, масъулият ва фидойилик бор жойда эзгу мақсадлар рўёбга чиқиши шубҳасиз.

**Эгамберган БОБОЖОНОВ,**
**халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси.**

ТАНЛОВ

*Пойтахтимизда “Ижодимиз сенга, Ватан!” ёш бастакорлар республика танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.*

# «Ижодимиз сенга, Ватан!»

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловда мамлакатимиздаги маданият ҳамда санъат йўналишидаги ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабалари, профессионал бадиий жамоалар вакиллари ўз билим ҳамда маҳоратларини намойиш этишди.

Шунингдек, тадбирда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар онгида миллий ифтихор туйғуларини шакллантиришга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди.

“Ижодимиз сенга, Ватан!” ёш бастакорлар республика танлови мусиқа санъати йўналишида ижод қилаётган иқтидорларни аниқлаш ва уларни рағбатлантиришга қаратилган.

Кўрикнинг саралаш босқичи жорий йилнинг 2-3 ноябрь кунлари ўтказилиб, унда 30 ёшгача бўлган етмиш олти нафар бастакор эстрада йўналишида чолғу ва вокал, яккахон ижрочилар учун вокал ва камер, симфоник оркестр, халқ чолғу оркестри учун асарлар ижро этишди. Унинг сўнгги босқичида эса йигирма тўрт нафар қатнашчи юқоридаги талаблар асосида маҳоратини синовдан ўтказди.

Якунда турли номинациялар бўйича ғолибларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Дилмурод СОДИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# КИМЁ САНОАТИНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

— Кимё саноатига қаратилаётган эътибор, соҳа вакилларига яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар туфайли ҳозирги кунда “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти ишлаб чиқариладиган минерал ўғитларнинг тури ва ҳажми бўйича Марказий Осиё минтақасида етакчилик қилмоқда, — дейди жамият бошқарма бошлиғи Адҳам Азларов. — Чунки бу ерда жуда кўп миқдорда аммиак, карбамид, аммиакли селитра, аммоний сульфат, аммофос ҳамда нитрофос каби маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги экинларини ҳимоялаш воситалари ва дефолиантлар, қолаверса, тоғ-кон, енгил ҳамда қурилиш саноатлари учун муҳим хом ашёлар ҳам етказиб берилаяпти. Жумладан, жорий йилнинг ўтган ўн ойида соф ҳолда 1 миллион 43,5 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилди. Шундан 801,6 минг тоннаси азотли, 117,4 минг тоннаси фосфорли, 124,5 минг тоннаси калийли ўғитлардир.

Таъкидлаш кераки, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ иқтисодиёт тармоқларининг кимёвий хом ашёларга бўлган эҳтиёжини маҳаллий маҳсулотлар ҳисобига қондириш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланган эди. Шу мақсадда Маҳаллийлаштириш дастури қабул қилиниб, унинг ижроси изчил таъминланаётир. Натижада импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тури йилдан-йилга кўпаймоқда. Эътибор қилинг, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида фақатгина шу йилнинг январь — сентябрь ойларида 208,5 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, бу борадаги прогноз кўрсаткичлари 137,6 фоиз бажарилди.

— Кимё саноатида импорт ўрнини босадиган янги маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш, айни чоғда экспортбоп маҳсулотлар турини кўпайтиришда Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, жамиятнинг Инновация маркази очилгани айни муддао бўлди, — дейди мазкур марказнинг бош мутахассиси Мансуржон Аҳмедов. — Тизимдаги корхоналарда бўлимларимиз, шунингдек, инновация жамғармаларимиз тузилган бўлиб, улар томонидан асосий эътибор маҳаллий хом ашё негизида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашга қаратилган инновацион ишланма ҳамда технологияларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилмоқда. Шунинг ҳисобига ўтган йиллар давомида 40 дан зиёд турдаги янги маҳсулотлар маҳаллийлаштирилди. Шундан 10 таси жорий йилдан эътиборан ишлаб чиқарилаяпти. Айтайлик, “Максам-Чирчиқ” заводида янги турдаги карбамид-аммиакли ўғит, калий сульфати, магний сульфати, фосформочевина ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса, “Навоийазот” корхонасида калий нитрати, азот-фосфорли ўғит, гранула ҳолатидаги кальций хлор тузи, А-маркали метанол тайёрлашга киришилди. “Фарғонаазот”-да эса истеъмол содаси, натрийли селитра, мураккаб азот-фосфорли ўғит, суюқ карбамид-аммиакли селитра, шунингдек, “Полидеф”, “ЎзДЕФ”, “СуперХМД-ж” дефолиантлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Иқтисодиётнинг саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларида кенг қўлланиладиган бу маҳсулотлар импорт қилинганини инобатга олсак, инновацияларнинг иқтисодий тараққиётимиздаги аҳамияти нақадар беқиёслиги яққол намоён бўлади.

Бундай мисолларни барча саноат корхонаси фаолиятидан кўплаб келтириш мумкин. Негаки, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар шарофати билан ПВА елимининг асоси, сув ҳавза (бассейн)ларни тозалашда қўлланиладиган хлорли таблеткалар, кукунсимон ўт ўчириш воситалари каби кундалик турмушимизда ишлатиладиган яна бир қанча янги маҳсулотлар тайёрлашга киришилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 4 мартдаги “2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида”ги Фармони, айниқса, кимё саноатида туб бурилиш ясамоқда. Бундай дейишимизнинг боиси шундаки, ушбу ҳужжатга мувофиқ, яқин беш йил давомида умумий қиймати 3,5 миллиард АҚШ долларилик бўлган 26 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилади. Шундан 16 таси янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ва мавжудларини модернизациялашга қаратилган бўлиб, ушбу мақсадлар учун 2,2 миллиард доллар ўзлаштирилади. Қолганлари эса истиқболли ҳисобланиб, уларнинг ижросига 1,27 миллиард доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар йўналтирилиши кўзда тутилган.

Буларнинг барчаси маҳаллийлаштириш кўламини кенгайириш, моддий-техника ресурсларини тежаш, тайёрланаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини ошириш ва уларнинг таннархини пасайтириш, энг асосийси, экспорт салоҳиятини юксалтириш имконини яратади. Зеро, кимё саноатидаги таркибий ўзгартишлар пировардида мамлакатимиз иқтисодиётини янада равнақ топтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаверади.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Жорий йилнинг учинчи чорагида Буюк Британия иқтисодиёти аввалги ойлардагига нисбатан 0,4 фоиз ўсди. Аммо бу ҳукумат кутган натижадан 0,1 фоиз камдир.*

## Кутилганидан бошқача

Йиллик ҳисоб-китоб бўйича эса ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,3 фоиз эмас, балки 2,1 фоиз ошган. Миллий статистика хизмати маълумотига кўра, мамлакат ЯИМнинг учдан икки қисмини таъминловчи сервис сектори, айниқса, молиявий хизматлар тармоғидаги тушкун ҳолат бунда асосий омилга айланган.

## Мавқеини мустаҳкамлади

*Хитойнинг смартфонлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Huawei” компанияси жорий йилда дунё бозорининг етакчилари қаторидаги ўрнини янада мустаҳкамлаб олди.*




Гап шундаки, 2010 — 2015 йиллар давомида унга тегишли маҳсулотларни етказиб бериш ҳажми йилига 3 миллиондан 100 миллион донагача кўпайган. Бунда компания томонидан янги интернет бренди — “Honor” номли арзон аппаратлар яратилгани, илмий тадқиқот ишлари қўллаб-қувватланаётгани натижасида 76687 та патент рўйхатдан ўтказилгани, уларнинг 18000 таси амалиётда муваффақиятли қўлланилаётгани муҳим роль ўйнади.

Қиёслаш учун айтиш ўринлики, “Huawei”нинг асосий рақобатчилари — “Apple” (АҚШ) йилига қарийб 200 миллион, “Samsung” (Жанубий Корея) эса 300 миллионта мобиль алоқа воситасини сотувга чиқарган.

## «Қишда қор сўрама»

*Европада “Қишда қор сўрама”, деган ибора янги маънога эга бўлиб бораяпти.*

Сабаби, айни пайтда ушбу ҳудудда ноодатий илиқ об-ҳаво ҳукмрон. Олдинги йилларда бўлмаган ҳодиса — Янги йил арафасида чанғичилар билан гавжум Альп тоғининг Германия ва Швейцария ҳудудидаги курортларда қор йўқлиги кузатилмоқда. Натижада улардаги станцияларнинг очилиши кечиктирилган бўлса, трассаларнинг қолган ярми ёпиқдир. Лекин ҳордиқ чиқариш масканлари раҳбарияти яқин орада аҳвол яхшиланишидан умид қилишаётир.

## Шаҳарларга аталади

*Италиянинг “Gucci” модалар уйи Токио, Рим, Париж, Нью-Йорк, Шанхай, Дубай, Гонконг каби дунёнинг турли шаҳарлари шарафига махсус сумкалар туркумини ишлаб чиқаради. Улар келгуси йилдан сотувга қўйилади.*



Масалан, Лондонга бағишланган маҳсулот атиргул, Япония пойтахтига бағишлангани сакура гуллари билан безатилади.

Итальян бренди шу йил ноябрь ойида “International Designer Award”, яъни дизайн соҳасида жаҳондаги энг нуфузли халқаро совринга сазовор бўлганди.

## Воқеа жойидан яширинди

*Мексиканинг Веракрус штатида автобус иштирокида йирик йўл ҳаракати ҳодисаси рўй берди.*

Оқибатда 12 киши ҳаётдан кўз юмди, 8 нафар одам жароҳатланди. Дастлабки маълумотларга қараганда, катта тезликда ҳаракатланаётган транспорт воситаси йўлда ётган қандайдир йирик предмет устига чиқиб кетган ҳамда ағдарилган. Тирик қолган йўловчиларнинг айтишича, ҳаракат пайтида ҳайдовчи ва унинг ёрдамчиси маст бўлган. Бу гаплар ҳақиқатга тўғри келадими ёки йўқми, ҳозирча номаълум. Лекин ҳар иккала гумондор воқеа жойидан қочиб қолишган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

ЭЪЛОНЛАР


**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**I.** Аукцион савдосига Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан 2015 йил 25 мартдаги 1-1108/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Халқобод» ҚФЙ, Бобур маҳалласи, «Apex Tech Trading» МЧЖ ҳудудидаги 1,21 гектар ер майдонида жойлашган, 0001-литердаги нотурар бино, 0005-литердаги нотурар бино, 0006-литердаги бостирма, 0007-литердаги нотурар бино, 0008-литердаги бостирма, 0010-литердаги тарозихона биноси, 0011-литердаги тарозихона биноси, 0012-литердаги қоровулхона биноси, 0013-литердаги насос иншооти, 0014-литердаги бостирма, 0015-литердаги ёрдамчи бино, 0016-литердаги ҳожатхона, 0017-литердаги насос биноси, 0018-литердаги сув тозалаш ҳовузи ва тўсиқ девордан иборат мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш цехи бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 299 715 549 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 11 январь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

**II.** Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** 8172/2-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес шаҳри, Мустақиллик кўчасида жойлашган, 2 қаватли, 8 та хонадан иборат, ер майдони 800,0 кв.м., тураржой майдони 216,54 кв.м., қурилиш ости майдони 635,06 кв.м., фойдаланиш майдони 418,85 кв.м. бўлган 66-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 1 017 885 967 сўм.***

**2.** 8173/2-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес шаҳрида жойлашган, 6 та хонадан иборат, ер майдони 595,0 кв.м., тураржой майдони 112,63 кв.м., қурилиш ости майдони 412,10 кв.м., фойдаланиш майдони 147,50 кв.м.дан иборат бўлган 38-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 174 306 376 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 26 январь куни соат 12.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.**

1913А/24



*Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади:**

«Қўриқлаш» бўлинмалари ходимлари учун денгиз тўлқини рангли, ёқаси табиий мўйнали плашли қишки курткалар ва шимлар, «Профилактика» бўлинмалари ходимлари учун денгиз тўлқини рангли, ёқаси табиий мўйнали плашли қишки курткалар ва шимлар, «ППХ» бўлинмалари ходимлари учун денгиз тўлқини рангли, ёқаси табиий мўйнали плашли қишки курткалар ва шимлар, «ЙПХ» бўлинмалари ходимлари учун денгиз тўлқини рангли, ёқаси табиий мўйнали плашли қишки курткалар ва шимлар, денгиз тўлқини рангли жунли ип аралашган, тантаналарда кийиладиган эркаклар кителлари ва шимлари, денгиз тўлқини рангли жунли ип аралашган, тантаналарда кийиладиган аёллар кителлари ва юбкалари, денгиз тўлқини рангли жунли ип аралашган эркаклар енгил курткалари, «Қўриқлаш» бўлинмалари ходимлари учун денгиз тўлқини рангли жунли ип аралашган эркаклар енгил курткалари, «Профилактика» бўлинмалари ходимлари учун денгиз тўлқини рангли жунли ип аралашган эркаклар енгил курткалари, «ППХ» бўлинмалари ходимлари учун денгиз тўлқини рангли жунли ип аралашган эркаклар енгил курткалари, «ЙПХ» бўлинмалари ходимлари учун денгиз тўлқини рангли жунли ип аралашган эркаклар енгил курткалари, денгиз тўлқини рангли жунли ип аралашган эркаклар шимлари, денгиз тўлқини рангли жунли ип аралашган аёллар енгил курткалари, денгиз тўлқини рангли жунли ип аралашган аёллар юбкалари, денгиз тўлқини рангли эркаклар галстуклари, денгиз тўлқини рангли аёллар галстуклари, денгиз тўлқини рангли жунли ип аралашган, тантаналарда кийиладиган фуражкалар, денгиз тўлқини рангли жунли ип аралашган ёзги кепилар, денгиз тўлқини рангли жунли ип аралашган аёллар шляпалари, денгиз тўлқини рангли қишки кепилар, «соя» рангли камуфляж дала кепилари, қора рангли кепилар, сунъий мўйнадан тайёрланган қулоқчинлар, қора рангли формали қўнжи калта ботинкалар, иссиқ тутадиган эркаклар қишки ботинкалари, қўнжи баланд ботинкалар.

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.**
**Талабгорлардан тендер савдоларида иштирок этиш таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.**
**Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: (0-371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс (0-371) 281-43-73.**

1903А/880



**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

**«Capital realtor group» МЧЖда 2016 йил 19 январь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан 2014 йил 20 июндаги 10-1410/7037-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Бордонкўл» ҚФЙ, Дўстлик қишлоғида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Умумий майдони 196 кв.м. бўлган 0001-литердаги маъмурий бино.
***Бошланғич баҳоси — 72 515 290 сўм.***
**2.** Умумий майдони 39,46 кв.м. бўлган 0002-литердаги қоровулхона.
***Бошланғич баҳоси — 7 601 232 сўм.***
**3.** Умумий майдони 58,61 кв.м. бўлган 0003-литердаги омборхона.
***Бошланғич баҳоси — 12 995 221 сўм.***
**4.** Умумий майдони 132,31 кв.м. бўлган 0004-литердаги омборхона.
***Бошланғич баҳоси — 20 530 544 сўм.***
**5.** Умумий майдони 150,49 кв.м. бўлган омборхона.
***Бошланғич баҳоси — 22 778 675 сўм.***
**6.** Умумий майдони 15,93 кв.м. бўлган 0005-литердаги ёрдамчи бино.
***Бошланғич баҳоси — 3 745 566 сўм.***
**7.** Умумий майдони 345,80 кв.м. бўлган 0006-литердаги омборхона.
***Бошланғич баҳоси — 61 679 486 сўм.***
**8.** Умумий майдони 169 кв.м. бўлган 0007-литердаги ҳовуз.
***Бошланғич баҳоси — 21 743 764 сўм.***
**9.** Умумий майдони 442,75 кв.м. бўлган 0008-литердаги омборхона.
***Бошланғич баҳоси — 88 920 831 сўм.***
**10.** Умумий майдони 10250 кв.м. бўлган ер участкаси.
***Бошланғич баҳоси — 210 032 412 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент ш., Қушбеги к., 18-уй. Телефон (0-371) 250-19-24.**

Хизматлар лицензияланган.

**«Capital realtor group» МЧЖ** маъмурияти маълум қиладики, «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 15 декабрдаги № 240 (6423)-сонида чоп этилган эълондаги Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси, 116-уйда жойлашган цех биноси бўйича аукцион савдоси Олмазор тумани СИБнинг 2015 йил 21 декабрдаги хатига асосан тўхтатилди.

1910R/34

# «Ўзбекистон Шарқнинг кўплаб буюк мутафаккирларига бешик бўлган»



Варшавада “Ҳаётий ранг-баранглик: Марказий Осиё сўзаналари” мавзуида кўргазма ташкил этилди. Унда ўзбек халқининг безак ва амалий санъати маҳсулотлари, сўзаналар, атлас ҳамда адрас сингари миллий матолари ва кулоллик буюмлари намойиш қилинди.

**ЭЪТИРОФ**

Мамлакатимизнинг Польшадаги элчихонаси томонидан Варшава Осиё-Тинч океани минтақаси музейи билан ҳамкорликда уюштирилган мазкур тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида қўлга киритган муваффақиятлари ҳақида атрофлича сўз юритилди. Ўз навбатида, ҳуқуқий демократик давлат ҳамда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, миллий давлатчиликни ривожлантириш учун зарур сиёсий-ҳуқуқий асосларни яратишда Конституциямизнинг ўрни ва аҳамиятига алоҳида урғу берилди. Қайд этилганидек, Асосий Қонунимизда ўз ифодасини топган тамойиллар халқимизнинг улкан салоҳиятини рўёбга чиқаришда кенг имкониятлар эшигини очмоқда.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон минтақада етакчи ўрин тутиши ҳамда республикамизда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш юзасидан изчил сиёсат олиб борилаётгани таъкидланди.

Маросим иштирокчилари томонидан эътироф этилганидек, Ўзбекистон Шарқнинг кўплаб буюк мутафаккирларига бешик бўлган.

Кўргазма доирасида ўзбек халқ қўшиқлари ҳамда рақсларидан ташкил топган маданий дастур ҳам намойиш этилди.

**«Жаҳон» АА.**
Варшава

# Касб маҳорати

## таълим жараёни самарадорлигини таъминлайди



*Замонавий илм-фан сирларини ўзлаштиришда хорижий тилларни чуқур билган бола ҳар томонлама муваффақиятга эришади. Чунки унинг қиёслаш имконияти кенгаяди, таҳлилий кўникмалари тезроқ шаклланади. Шу боис Президентимизнинг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори таълим тизимининг долзарб вазифаларини белгилаб бергани билан аҳамиятлидир.*

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

— Мазкур ҳужжат талабларидан келиб чиққан ҳолда, 40 та таянч мактаби ташкил этилди, — дейди Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси масъул ходими Маржона Нукарова. — Барча шаҳар ва тумандан саралаб олинган 44 нафар педагог пойтахтимиздаги тажрибали мутахассислар кўмагида махсус тайёргарликдан ўтди. Ўз навбатида, улар таянч мактабларида 1160 нафар ўқитувчи учун ҳафтада бир кун касбий маҳоратни оширишга қаратилган машғулотлар ташкил этишди.

Бундан ташқари, чет тилларда яратилган ўқув дастурлари ва дарслик мажмуаларининг бошланғич синф ўқувчилари ёши, психофизиологик хусусиятлари, шунингдек, давлат таълим стандартларига нечоғли мослиги синовдан ўтказилгани ҳам эътиборга молик.

Маълумки, 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб чет тили фанлари мактабларнинг 1-синфидан бошлаб ўқитилмоқда. Бунда муаллимлар ўйинлар ва оғзаки нутқ дарслари орқали чет тилларни ўргатишаяпти. Мазкур жараёнда мактабларнинг чет тили хоналари компьютер техникаси, аудиомагнитофон, маркерли ва электрон доска каби замонавий жиҳозлар билан таъминлангани айни муддао бўлаяпти.

— Ўқувчиларимизнинг тил ўрганишга иштиёғи кучли, — дейди Когон туманидаги 1-умумтаълим мактаби инглиз тили фани ўқитувчиси Муҳаббат Шодиева. — Бу кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшади. Машғулотларни электрон дарсликлар, турли кўргазмали қуроллардан фойдаланган ҳолда ўтаяпмиз. Ўқувчиларимизнинг билимини мустаҳкамлаш, тафаккур доирасини кенгайтиришда бу алоҳида ўрин тутмоқда. Ўз навбатида, касб маҳоратимизни ошириш учун ҳам зарур шарт-шароитлар яратилган. Ҳафтанинг ҳар жумаси биз учун ижодий кун саналади.

Муаллиманинг бу масалага алоҳида тўхталиши бежиз эмас. Педагогнинг касб маҳорати кўп нарсани ҳал қилади. Шу нуқтаи назардан, бухоролик чет тиллар фани ўқитувчиларининг турли танловларда муваффақиятли иштирок этишаётгани диққатга моликдир. Чунончи, жорий йилда Британия кенгашининг “APTIS” тест синовларида тўрт нафар педагог 200 га яқин балл тўплаб, хорижий давлатларда малака ошириш учун йўлланмага эга бўлди. Шулардан бири, Ғиждувон туманидаги 62-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида фаолият олиб бораётган Зарнигор Жалилова мазкур танловнинг республика босқичида 1-ўринни эгаллади. Дарвоқе, у “Йилнинг энг яхши инглиз тили ўқитувчиси” республика кўрик-танловининг ҳам ғолибаси саналади.

— Муассасамиз, асосан, чет тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган, — дейди у. — Бизда нафақат вилоятимиз, балки республикамизнинг турли гўшаларидан келган ўқувчилар ҳам таҳсил олишади. Зиммамиздаги масъулият катта. Дарсларни замонавий педтехнологиялар асосида ўтаяпмиз. Бу ўз самарасини бермоқда. Ўқувчиларимиз инглиз тилида бийрон сўзлашганида яйраб кетаман. Меҳнатинг самарасини кўриш кишига роҳат бағишлар экан.

Бу самимий сўзларда муболаға йўқ. Устознинг касб маҳорати, машғулотларни замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда ўтиши таълим-тарбия самарадорлигини ошириш омили бўлаяпти.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


*Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади:**

«соя» рангли ёзги камуфляж костюмлар, «соя» рангли қишки камуфляж костюмлар, машқ бажариш (тренировочный) учун қора рангли костюмлар, қора рангли қишки куртка ва шимлар, денгиз тўлқини рангли жемперлар, ўт ўчирувчининг жанговар кийими, денгиз тўлқини рангли енги узун кўйлаклар, денгиз тўлқини рангли енги калта кўйлаклар, оқ рангли енги узун кўйлаклар, оқ рангли енги калта кўйлаклар;

денгиз тўлқини рангли иссиқ тутадиган ички кийим, денгиз тўлқини рангли трикотаж фуфайкалар, денгиз тўлқини рангли трикотаж майкалар, оқ рангли трикотаж майкалар, мовий рангли трикотаж майкалар, пост сумкалари, эни 5 см. чарм камарлар, оқ рангли икки чизиқли погонлар, оқ рангли бир чизиқли погонлар, сафдорлар таркиби учун оқ рангли погонлар, денгиз тўлқини рангли икки чизиқли погонлар, денгиз тўлқини рангли бир чизиқли погонлар, сафдорлар таркиби учун денгиз тўлқини рангли погонлар.

**Манзил: 100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Талабгорлардан тендер савдоларида қатнашиш таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 календарь куни давомида қабул қилинади. Маълумот учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: (0-371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: (0-371) 281-43-73.**

1890А/880


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


**Qishloq Qurilish Bank**

***«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки жамоаси юртдошларимизни кириб келаётган Янги — 2016 йил билан самимий муборакбод этади!***

***Сизга ва яқинларингизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, тинчлик ва хотиржамлик ҳамроҳ бўлишини тилаб, қуйидаги омонат турларини таклиф этади.***

**Миллий валютада:**

**«Адолат».** Омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади.
**«Мураббий».** Омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
**«Қадрли».** Омонатга маблағлар 5 ойга қабул қилинади.

*Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.*

**Хорижий валютада:**

**«Percent».** Омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
**«Profit».** Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

**ОМОНАТГА МАБЛАҒЛАР АҚШ ДОЛЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ, ФОИЗЛАР ҲАР ОЙДА ЁКИ ОМОНАТ МУДДАТИ ТУГАГАНИДАН СЎНГ БЕРИЛАДИ.**

**Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:**

**«Мадад».** Маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.
**«Хонадон».** Маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади.
**«Қурилишга бошланғич бадал».** Муддати — 1 йил.

**Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатингиз:**

**— солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;**
**— эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;**
**— миқдори чекланмаган.**

Мурожаат учун телефонлар:
(+99871) 150-72-58, 150-39-93.

**www.qqb.uz**

***«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!***

Хизматлар лицензияланган.

1909R/632



**«TOU Ko.LTD» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси** | **«UNIVERSAL SERVICES of CENTRAL ASIA» хорижий корхонаси**

**махсус қурилиш техникаларини таклиф этади.** | **махсус қурилиш техникалари эҳтиёт қисмларини ва сервис хизматларини таклиф этади.**












Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар рўйхатга олинган.

**Манзил: 100039, Тошкент ш., Юнусобод т., Чинобод к., 87-уй.**

**Савдо бўлими**
**Тел.: (+99871) 200-00-27/28. (+99890) 805-60-52/53.**
**E-mail: doosansales@uztow.com**

**Сервис хизмати**
**Тел.: (+99871) 200-00-26, (+99890) 189-71-54, 968-71-79.**
**E-mail: servicedoosan@uztow.com**

115R/69


**ТАҚДИМОТ**

*Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида халқимизнинг севимли шоираси Зулфия ҳаёти ва ижодига бағишланган “Садоқат” операсининг премьераси бўлиб ўтди.*

# «Садоқат»

Мамлакатимизда маданият, санъат, хусусан, миллий адабиётимиз равнақига муносиб ҳисса қўшган ижодкорларнинг асарларини ўрганиш, тарғиб этиш, ёш авлод онги ва қалбига сингдириш ҳамда улар хотирасига эҳтиром кўрсатишга катта эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори фикримиз тасдиғидир.

“Садоқат” операси — Зулфиянинг босиб ўтган умр йўли ҳақида. Унинг Ҳамид Олимжон билан танишуви, бирга кечган дамлари, сўнг айрилиқ ва ҳижрон азоблари саҳна кўринишида моҳирона очиб берилган.

Операдаги ариялар, куй-қўшиқлар шоиранинг шеърлари асосида яратилган. Спектаклнинг мусиқий раҳбари ва дирижёри Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Фазлиддин Ёқубжонов. Асар Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Фируддин Сафаров томонидан саҳналаштирилган.

**Д. АБДУРАИМОВ.**


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1267. 72 731 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.**

**Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.**

**• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.**
**Навбатчи — З. Худойшукуров.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 21.45** 1 2 3 4 5